

на предприятии может привести к текучести кадров.

Во-вторых, при оценке эффективности труда в деятельности предприятия целесообразно постоянно следовать принципу справедливости, правильно оценивать деятельность коллектива при стимулировании коллективного и управлеченческого персонала.

В-третьих, система важных показателей эффективности (KPI) является важным показателем, который показывает, поставлены ли сотрудники на свое место на каком-либо предприя-

тии или нет. Поэтому мы считаем, что целесообразно пересмотреть систему управления персоналом любого предприятия, прежде чем использовать эту систему. Это видно из результатов, данных респондентами на вопросы опроса в ходе исследования.

В-четвертых, система важных показателей эффективности (KPI) может быть несовместима с деятельностью всех предприятий, на которых рекомендуется использовать систему целей и основных результатов оценки эффективности деятельности (OKR, Objectives and Key Results).

### **Источник и список использованной литературы:**

1. Абдукаримов Б.А., Султонов Ш.А. "Хизмат қўратиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самараодорлигини баҳолаш мезонлари, қўрсаткичлари ва уларни аниқлаш ўйлари". "Сервис" илмий оммабоп журнали, 2011. - № 1-сон. - 20 б.
2. Гибсон Д.Л., Иванцевич Д.М., Доннели Д.Х. Организации: поведение, структура, процессы. /Пер. с анг. - 8-е изд. - М.: ИНФРА, 2000. - с. 662.
3. Кузнецов Б.Л, Кузнецова С.Б., Андреева Ф.И. "Эффективность корпоративного развития". // Экономическая синергетика: Ответы на вызовы и угрозы XXI века: сб. науч. тр. // Под ред. д.т.н., проф. Б.Л. Кузнецова. - Набережные Челны: Изд-во Камской гос. инж.-экон. акад., 2005. - с. 119.
4. Новожилов В.В. У истоков подлинной экономической науки. - М.: Наука, 1995. - с. 234
5. Чистов Л.М. Теория эффективного управления социально-экономическими системами. Учебник. - СПб.: Астерион, 2005. - с. 575.
6. Карпов А.В. "Психология менеджмента" (учеб.пособие). - М.: Гардарики, 2000.
7. Генкин Б.М., Козлова М.И. "О показателях эффективности и принципиальных схемах мотивации эффективной работы". Вестник ИНЖЕКОНа. - Сер. Экономика, 2004. - Вып. 4 (5). - с. 3-9.
8. Руденко Л.Г., Дегтярь Н.П. Сущность KPI и его роль в управлении предприятием // Вестник московского университета им. С. Ю. Витте. Серия 1: Экономика и управление, 2017. - № 2(21). - doi: 10.21777/2307-6135-2017-2-50-54.
9. Абдураҳмонов Қ. Мехнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган З-нашири. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «fAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. - 592 б. 193-б.
10. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик) (тўлдирилган ва қайта ишланган нашири). - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. - 41 б.
11. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. -112 б.
12. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. - СамИСИ, 2007. - 154 б.
13. Мюллэр Д.К. Англо-русский словарь. - М.: Русский язык, 1992. - с. 233-234
14. Кравченко С.А. Социально-экономический русско-английский словарь. - М.: Астрель, 2004. - с. 511.
15. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. - М.: Книжный Мир, 1999. - с. 825.
16. <http://ru.wikipedia.org>. Халқаро мустақил энциклопедия расмий сайти.
17. Иваницкий В.И., Максименко Р.Н., Ушакова Н.Н. Экономика труда. - М.: Экономика, 1990. - с. 334.
18. Волков О.И. Экономика предприятия: учебник. - М.: ИНФРА - М., 1997. - с. 416.
19. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси (Дарслик) (тўлдирилган ва қайта ишланган нашири). - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014. - 43 б.
20. Новожилов В.В. Проблемы измерения затрат и результатов при оптимальном планировании. - М.: Наука, 1972. - с. 56.



doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a35)

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Каримова Латифат Садуллаевна -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, докторанти

**Аннотация.** Ҳозирги иқтисодиётнинг ривожланиши даврида инсон ва интеллектуал капитални аҳамияти, улар фаолиятида замонавий ишлаб чиқариш ва бозор механизмларини қўллаш, замонавий технологиялардан фойдаланиши орқали корхоналар фаолиятини ривожлантириш, пировардида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш муҳим вазифалардан биридир. Мақолада интеллектуал капиталга талабни қондиришда уларнинг салоҳиятини доимо ривожлантириб бориши бўйича хориж тажрибаси ўрганилиб, улар бўйича амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калим сўзлар:** инсон капиталли, интеллектуал капитал, моддий ресурслар, инсон ресурслар, капитал қиймати, ишчи кучи, инновацион фаолият, истеъмол жараёни.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО КАПИТАЛА НА ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

**Каримова Латофат Садуллаевна -**

*Tashkent State University of Economics, doctor of economics*

**Аннотация.** Важность человеческого и интеллектуального капитала при развитии современной экономики, использование в деятельности современных производственных и рыночных механизмов, развитие предприятий за счет использования современных технологий, а в конечном счете и развитие экономики страны является одной из важнейших задач. В статье изучен зарубежный опыт по постоянному развитию своего потенциала в удовлетворении спроса на интеллектуальный капитал, представлены практические предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, интеллектуальный капитал, материальные ресурсы, человеческие ресурсы, стоимость капитала, рабочая сила, инновационная деятельность,

### THE ROLE AND MEANING OF INTELLECTUAL CAPITAL IN PRODUCTION ENTERPRISES

**Karimova Latofat Sadullayevna -**

*Tashkent State University of Economics*

**Annotation.** The importance of human and intellectual capital in the development of a modern economy, the use of modern production and market mechanisms in their activities, the development of enterprises through the use of modern technologies, and ultimately the development of the country's economy is one of the most important tasks. The article examines foreign experience in the continuous development of its potential in meeting the demand for intellectual capital, presents practical proposals and recommendations.

**Key words:** human capital, intellectual capital, material resources, human resources, capital value, labor force, innovative activity, consumption process.

**Кириш.** Иқтисодиётни рақамлашириш шароитида мамлакатни ривожлантириш, тармоқ ва худудий ишлаб чиқариш унинг самарадорлигини оширишда интеллектуал капитал муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон банки маълумотларига кўра “интеллектуал капитал” дунё мамлакатларининг миллий бойлигининг 80 фоизини, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо юқори даромадли ривожланган мамлакатларда 70 фоиз, ўрта юқори ривожланган мамлакатларда 58 фоиз ва қуий даромадли ривожланётган мамлакатларда 41 фоизни ташкил этмоқда[2]. Бугунги кунда интеллектуал капитал иқтисодий ўсишни таъминлаш, корхона активлари таркибини такомиллаштириш ҳамда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашда асосий омиллардан бири сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда иқтисодий-ижтимоий интеграциялашув даражасининг тобора чуқурлашиб бораётган шароитда интеллектуал капитал асосида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада корхона интеллектуал капиталидан самарали фойдаланиш, унга сарф этилган инвестиция ажратмаларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, модернизациялаш, саноат корхоналарида интеллектуал капиталнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган инфратузилмаларни бозор иқтисодиёти талаблари асосида та-

комиллашириб бориш масаласи устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

“Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиқ даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон интеллектуал капиталини ривожлантириш”[1] асосий вазифалардан биридир. Шу жиҳатдан миллий иқтисодиётни рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишда интеллектуал капиталнинг интенсив таъсирини аниқлаш юзасидан услугий ёнлашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг янги босқичида автомобиль саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда ички ва ташқи жаҳон бозорларида унинг ишлаб чиқараётган товар маҳсулотларини рақобатдош бўлиши учун интеллектуал капитални ошириш билан боғлиқ барча шарт-шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Америкалик иқтисодчи И.Фишер мазмун жиҳатдан инсон интеллектини капитал категориясига қўшиш тарафдори бўлган. Унинг фикрича капитал зарурий аҳамиятга эга бўлган, ишлаб чиқариш учун белгиланган моддий субъект бўлгани учун инсон интеллектини ҳам моҳияти жиҳатидан капитал тушунчасига киритиш мумкин деб хисоблайди.

Айрим иқтисодчилар К.Метцгер ва Э.Вудс интеллектуал капитални оддий капитал сифатида қараб, улардан фойдаланиш даврида, сақлаш, қийматини йўқотмаслигини ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишидан чиқиб кетмаслигига кўриш мумкин, деб ҳисоблаганлар[3].

Уларнинг фикрича иш ҳақидаги истеъмол харажатларини ҳисоблашда ва уларнинг қобилиятларини қиймат даражаларини пасайишини эътиборга олган ҳолда ўртача иш ҳақи асосида баҳолаш лозим деб ҳисоблайдилар.

Россия олимни М.М.Критский интеллектуал капитал капиталлашувини инсон турмуш ҳаётини ва жамиятни яхшиланиб бориши меҳнатни тежамкорлигига асосланади. У интеллектуал капиталнинг асосий қонуни ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳаларда меҳнат тежамкорлигига ва турмуш даражаларини яхшиланиб бориши билан боғлиқ бўлиб, интеллектуал капитал ўзининг ҳаётий даражасини бойитиб бориши уларнинг ҳаётини сифатида ифодаланади деб ҳисоблайди[5].

Т. Стьюарт Интеллектуал капитал билим, тажриба, маълумотлар базаси, интеллектуал мулк ва қиймат яратишда иштирок этишида намоён бўлади[6].

Эдвансон Л. Корхонага тегишли барча капиталлар билан ишчиларнинг кўникма ва интеллектуал қобилиятларининг потенциал ва ҳақиқий боғланишлари (патент, лицензия ва х.з.) интеллектуал капитални ташкил этади[7].

Леонтьев Б.Б. Интеллектуал мулк корхонанинг интеллектуал активлари қиймати (интеллектуал мулқ, табиий ва орттирилган интеллектуал қобилиятлар, кўникмалар ва тўпланган маълумотлар базаси) билан тавсифланади[8].

Салихов Б.В. Капиталлаштирилган интеллектуал билимлар тизимидан самарали фойдаланиш асосида янги интеллектуал неъматларни ва қўшимча даромадларни олишни таъминлашга эришишдир[9].

Ермоленко В.В ва Попова Е.Д ларнинг фикрича Корхона интеллектуал капиталларининг билим, тажриба ва кўникмаларининг ўзаро боғлиқлиги саноат тармоғида қўшимча қийматни ва ноёб маҳсулот таклифини яратишни таъминлайди[10].

**Тадқиқот методологияси.** Инсон ва интеллектуал капиталнаҳамияти бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва омилларни қиёсий солишириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлили ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада

ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4302-сонли Қарорида саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий ва хорижий бозорларда юқори талабларга эта бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида аҳолини бу товарларга бўлган истеъмол талабларини қондириш саноат учун саноат тармоқлари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни таъминлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган ҳолда саноатни барқарор ва самарали ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнининг асосий омиллари бўлган моддий ресурслар, интеллектуал капиталдан, техника воситаларидан ва самарали фаолият сарфини талаб этадиган моддий ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитда иқтисодий ривожланиш жараёни юқори даражадаги ишлаб чиқариш технологияларига, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатиш турларини инновацион равишда ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб бориши асосида уларнинг таннархининг арzonлашувига ва истеъмол бозорларида рақобатдошлигини кучайиб боришига олиб келади.

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этувчи ва менежерлар инсонни жамоага қабул қилишда ва инсон ресурсларининг капиталлашувини таъминлашга уларни жисмоний жиҳатдан билим, касбий, малакавий ва психологик жиҳатдан шаклланишларига катта эътибор берадилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил этиш ва иқтисодий бошқарув самарадорлигини таъминлашда ўзлари мустақил равиша тегишли қарорларни қабул қилиши, унда банд бўлган интеллектуал капиталларни самарали фаолиятларини таъминлаши, керак бўлса улар ўртасидаги муносабатларни моддий манфаатдорлик асосида ташкил этиши зарур.

Иқтисодчилардан К.Бланшир ва С.Джонсонлар корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида асосий самарадорликни таъминлашда ишлаб чиқаришни мақсадли равиша ташкил этиш ва уни бошқарувида ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган интеллектуал капиталлари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлар жараёнидаги юқори иқтисодий фаолиятдан келиб чиқсан ҳолда рағбатлантиришдан кенг доирада фойдаланиш зарур - деб ҳисоблайдилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида янги иқтисодий ривожланиш усулининг ташкил

топиши бозор талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган усуллар, хўжалик механизмлари ва бандликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Интеллектуал капитал XIX-XX аср ўрталари гача инсонни асосан ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган иш вақти харажати ва иш ҳақи тушунилган.

Инсон ресурсларидан фойдаланишда асосий масала ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришни ошириш деб қаралган.

Инсон ресурсларига инсонга уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бир омил сифатида эмас, балки унга ишлаб чиқаришнинг асосий ресурси деб қараш зарур. Чунки у ўзида фаолият олиб бориш, ижтимоий муносабат ва ишчини ҳолатини ифода этади. Шунга асосланган ҳолда инсон ресурси аввалом бор, инсонни умумлашган сифатини, яъни билим, касб, соғлиғини ва

унинг фаолиятини сифатига, натижаларига таъсири этувчи асосий омил деб қараш мумкин.

XX асрнинг 1930 йилларидан бошлаб интеллектуал капиталга уни эгаллаган мансабига қараб қаралган, уларни бошқарув асосан административ бошқарув механизмига асосланган шартлар, услублар ва вазифалар асосида амалга оширилган. Ҳозирги даврда “инсон қобилиятини” ўрганишда асосий масала инсонни ривожланишини баҳолаш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида “ишчи кучи” тушунчаси ўзида нафақат жисмоний қобилиятини, балки маънавий қобилиятини ҳам ифода этади.

Инсоннинг бу иккала меҳнат қилиш қобилияти ишлаб чиқариш жараёнида моддий бойликлар ва турли ижтимоий хизматлар кўрсатишида меҳнат бозорида товар вазифасини бажаради.



**2-расм. Корхоналарда меҳнат ресурслар учун шароитларини яратиш**

**Манба:** Муаллиф ишланмаси.

Ишчи кучи ҳам товар сингари ўзининг қийматига эга. Ишчи кучи қийматини қўйидагиларга асосланган ҳолда белгилаш зарур:

- ишчи кучини, яъни унинг қобилиятини таъминлаш учун зарур бўлган маблағлардан;
- ишчининг ҳаёти учун зарур бўлган ижтимоий, табиий ва маданий шароитининг бўлиши;
- ишлаб чиқариш обьектларида меҳнатни унумдорлигини таъминлаш даражасига;
- ишчи кучига бозордаги талаб ва таклифга;
- ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий ривожланишига боғлиқ;

“Ишчи кучи” категориясии “инсон капитал”, “интеллектуал капитал” категорияларидан фарқланиши асосан унинг жисмоний хизмат қилиш қобилиятига эга бўлган фаолияти билан ажralиб туради.

Ишчи кучи интеллектуал капитални асосий ташкил этувчи қисми, у сифат жиҳатдан доимий равишда билим олиш, касбий даражасини ошириш ва тадбиркорлик қобилияти билан сифат жиҳатдан ундан фарқланиши билан ажralиб туради.

Ишчи кучларининг миқдорий жиҳатдан ўсиб бориши интеллектуал капитални ўсиб

боришида сифат даражада кўпайиб боришини таъминлайди. Албатта малакавий даражалари юқори бўлган интеллектуал капитал оддий ишчи кучи капиталига нисбатан бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида интеллектуал капиталга бўлган талаби доимий равишда ўсиб боради.

Корхона интеллектуал капиталини фаолият олиб бориш даражасини аниқлашда маълум бир иш вақтида бажарган ишига қараб белгилаш мумкин. Бу ходимни белгиланган иш вақтида фаолият олиб бориш даражасини ифода этади. Интеллектуал капиталдан ишлаб чиқариш корхоналарида самарали ёки самараасиз фойдаланиш корхона раҳбарлари томонидан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этилишига ва уларнинг фаолият олиб бориш қобилиятларидан унумли фойдаланиш учун қўйидагиларга эътибор беришлари зарур.

Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этишда асосий аҳамиятга эга бўлган омил, бу уларда зарур бўлган ташкилий-иқтисодий механизмни яратиш ҳисобланади.

Ҳозирги анъанавий ишлаб чиқаришга асосланган корхоналарда банд бўлган интеллектуал капитални самарали фаолиятини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштирилган ҳолда фаолият олиб бориш жараёнини ривожлантириш, интеллектуал капиталдан самарали фойдаланишни амалга ошириш истеъмол бозори даражасига жавоб бера оладиган юқори даражада рақобатдош маҳсулот бирлигига кам харжатлар асосида унинг таннархини арzonлаштириш асосида юқори даражада фойда олишга эришиш муаммо ҳисобланади.

Ҳозирги даврда республикамиз иқтисодиётини, шу жумладан, саноат тармоғи иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган ишчилар, ишлаб чиқариш воситаларида ишловчи юқори малакали ишчи-ходимлар, ва электрик муҳандислар етишмаслиги ҳаммамизга маълум. Унинг асосий сабаби ихтисосланган юқори малакали ишчиларни касб йўналишлари бўйича тайёрловчи колледжларининг етишмовчилиги деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизда 1414 та касб-хунар колледжлари бўлиб, 2018-2019 ўқув йилида 656,3 минг нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлиб, 454,9 минг нафари таълим муассасаларини битирғанлар.

Республикада 2019/2020 йил ҳолатига кўра 119 та олий таълим муассасалари ва 37 та филиаллар фаолият юритмоқда. Олий таълим муассасаларига 2019-2020 ўқув йилида 425 минг талаба таҳсил олмоқда, улардан 159,4 минг нафарини қизлар ташкил этган. Олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига шу ўқув йилида 16100 нафар қабул қилинган талабаларнинг 27,2 фоизи давлат бюджети

асосида, қолган 72,8 фоизи тўлов шартнома асосида қабул қилинган.

Республикада мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олинганлик даражаси 40 фоизни, олий таълим муассасалари билан қамраб олинганлик даражаси 20 фоизни, олий таълим муассасаларининг битиравчиларининг 21 фоизи ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланаётганлиги мамлакатимизда жиддий таълим ислоҳотларини амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикр-лайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илфор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида қўйидаги чоратадбирларни амалга ошириш вазифа этиб белгиланган:

Ривожланган мамлакатларда ҳам 20 асрнинг ўрталаригача бўлган давр ичida асосан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида жисмоний фаолият умумий таснифга эга бўлган бўлса, шу асрнинг ўрталаридан бошлаб илмий-техникавий ва ахборот инқилоби натижасида 1992 йил АҚШда иш билан банд бўлган харбий хизматчиларни эътиборга олмаган ҳолда 116,8 миллион аҳолининг 83 миллиони ёки 2/3 дан кўпроғи ақлий меҳнат билан банд бўлганлар, аҳолининг 85 фоизи 12 йиллик ва олий маълумотга эга бўлганлар.

Республикада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да аҳолини бандлигини таъминлаш ва реал даромадларини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда ишлаб чиқариш соҳалари бўйича зарур бўлган юқори малакали ишчиларни тайёрлаш, олий маълумотли малакавий даражалари юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун қабул квоталарини ошириб бориш, илмий тадқиқот ва инновация фаолиятларини рағбатлантириш ва олинган илмий ҳамда инновация ютуқларини амалга ошириш масалаларига жиддий эътибор бериш белгиланган ва интеллектуал мулкларни

ишлиб чиқиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш мезхизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатдошлигин таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятини янада ривожлантириш, интеллектуал мулкнинг хуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузурига Интеллектуал мулк агентлиги 2019 йил 8 февралдан ўтказилди.

Республика олий таълим муассасаларида тайёрланаётган олий малакали мутахассислар олган билим даражалари талаб даражасига тўлиқ жавоб бермайди.

Саноат корхоналари эса ишлиб чиқаришга жалб қилинаётган мутахассисларга қўшимча инвестиция маблағларини сарф этиш асосида уларни малакаларини ошириш билан шуғулланмоқдалар.

Оқибатда саноат ишлиб чиқариш корхоналари нафақат уларни малакаларини оширишга қўшимча маблағлар, балки қўшимча вақт ҳам сарфламоқдалар.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида илм-фан тараққиётини, ахборот тизимининг ривожланиши истеъмол бозорида рақобатни кучайиб бориши инсон интеллектуал капиталлашувидага ҳам бу омилларга асосланган ҳолда туб ўзгаришларни амалга оширилишини талаб этади.

Жаҳон иқтисодиётини инсон интеллектуал капиталлашуви жараёнини инновацион ривожланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий тараққиёт шароитида саноат ишлиб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва микрофирмаларни иқтисодий самарадорлик даражасида ривожланишини таъминлаш аввало инсон интеллектуал капиталлашувининг ўсиб боришига республикамида ҳам нодавлат мулкчилик шаклларига асосланган ишлиб чиқариш ва хизмат қўрсатиш корхоналарида инсон интеллектуал капиталлашув даражасига эътибор бериш зарурлигини кўрсатмоқда.

Инсон омилига интеллектуал капитал сифатида қарашнинг асосий сабаби фан ва техника тараққиётида глобал ўзгаришлар натижасида саноат ишлиб чиқариш корхоналарида улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш инсон омилини фаолият олиб боришида сифат ўзгаришларини амалга ошириш билан боғлиқ эканлигини ишлиб чиқариш субъектлари тўғри анлаган ҳолда, инновацион меҳнат воситалари техника ва технологиялар билан боғлаган ҳолда уларни капиталлашувидан манфаатдор эканликлари уларни маълум даражада билимга, касбга боғлиқлигидан келиб чиқсан ҳолда, интеллектуал капитал малакаларини, билим ва

амалий қўнималарини юқори даражада ошириш зарурлигига аҳамият бермоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлиб чиқариш субъектлари ўртасида доимий ишлиб чиқариш ва иқтисодий муносабатларда рақобатдошликни кучайиб бориши инсон омилини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда касбий маҳоратларини, билим даражаларини ошириб боришлири ўзларининг манфаатларидан келиб чиқса ҳам иш берувчи корхоналар ҳам уларнинг малакавий даражаларининг ўсиб боришидан манфаатдор бўладилар.

Инсон интеллектуал капитали ўз навбатида билим ва касбий даражаларини ҳозирги замон техника ва технологияларни ҳаракатга келтириш даражасигача малакавий даражаларини оширишни талаб этади.

Ривожланган мамлакатларда инсон интеллектуал капиталини инвестициялаштиришда уларнинг билим даражаларини ошириш ҳисобига олинаётган миллий даромадни 60 фоизига тўғри келади.

Ишлиб чиқариш жараёнида юқори иқтисодий қўрсаткичларга эга бўлган Республикамиз ишлиб чиқариш корхоналари йўналишларида интеллектуал капитални инновацион тарзда ривожлантиришда маълум даражада муаммолар мавжудлигидан холи эмас. Йирик ишлиб чиқариш корхоналарида инсоннинг интеллектуал капиталлашув даражасини оширишга маълум даражада шарт-шароитлар бўлсада, ишлиб чиқаришда ялпи ички маҳсулотни ишлиб чиқаришни 2018 йилда 59,4 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий йўналишлари бўйича иқтисодий фаолият ишлиб чиқаришга тўғри келган, аммо бу корхоналарда меҳнат ресурсларини умумий бандлик даражаси 2015-2018 йиллар ичida 77,9 фоиздан 76,3 фоизга республика бўйича камайганлигининг асосий сабаби иш жойларини ўзгаришиш, яъни уларнинг қўнимизлиқ даражасини юқорилигидир.

Нодавлат ишлиб чиқариш корхоналари томонидан интеллектуал капитални инновацион даражасини ошириш учун инвестиция маблағларини етарли даражада ажратилмаслиги ва уларда банд бўлган ходимларини фаолият даражаларига қараб иш ҳақларини белгиланмаслиги ҳамда самарали фаолиятларини амплификациялаш даражасининг талабга жавоб бермаслиги инсон омилларини бир жойда ишлашларига салбий таъсир кўрсатади.

Саноат корхоналарида ишлиб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш заҳиралиридан бири уларда банд бўлган интеллектуал капитал бандлигини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига камайтириш ҳисобланади. Интеллектуал капитал бандлигини камайтиришнинг бирдан-бир йўли инсон интеллектуал

капиталини инновацион ривожлантириш ҳисобланади.

Шу билан бирга корхоналар нафақат ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий жиҳатдан самарали олиб бориш билан боғлиқ бўлган инфратузилмаларни, балки унда банд бўлган инсон ресурслари яшashi учун зарур бўлган инфратузилмаларини ташкил этишлари ҳам зарур деб ҳисобланади. Тўғри, республикамида бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш учун Европа Иттифоқида жойлашган ривожланган мамлакатлардаги ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал капиталдан самарали фойдаланиш амалиётидан Ўзбекистонда бу иқтисодий усуллардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар йўқ эди. Жумладан, миллий иқтисодиётнинг тармоқлари ва корхоналарини бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий қонуни талаб ва таклиф асосида ривожлантириши давлат ва нодавлат мулкчилиги шаклларига асосланган ҳолда самарали олиб боришида инсон ресурсларига жиддий эътибор бериш инсоннинг интеллектуал капиталлашуви асосида олиб бориши биз учун янгилик ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибалари асосида ишлаб чиқариш корхоналарини ва унда банд бўлган инсон ресурсларини ташкил этиш ва фойдаланишда ташкилий-иқтисодий мезанизмларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштириб бориш зарур.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал капиталлашуви билан боғлиқ бўлган харажатларни иқтисодий капитал сифатида эмас, балки унга бўлган харажатлар натижасида интеллектуал капитални ривожланишини таъминлаши, уни иқтисодиётни инновацион капиталлашуви асосий омилига айлантиради. Корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш нафақат ишлаб чиқаришда буюмлашган асосий ишлаб чиқариш фонди сифатидаги интеллектуал капиталдан фойдаланиш харажатларини камайтиришга, балки уни ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Интеллектуал капитал даражаси доимий равишида ўсиб боради. Бу номоддий активларни миқдорий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди, уларнинг ишлаб чиқаришга бўлган таъсирини эса корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, сифати ва уларнинг таннархини ҳамда истеъмол қийматини ўлчаш асосида самарадорлик дарајасини аниқлаш мумкин.

Интеллектуал капитал фирманинг рақобатдош устунлик манбайи бўлиб, билимга йўналтирилган бўлиш учун компаниялар интеллектуал капиталдаги ўзгаришларни ўз бизнеслари қийматида ва охир-оқибат балансларида тан

олишни ўрганишлари керак. Фирманинг интеллектуал капитали - ходимларнинг билимлари, ақлий қобилиятлари, ноу-хау ва жараёнлари, шунингдек, ушбу жараёнларни доимий равишида такомиллаштириш қобилияти рақобатдош устунлик манбайи ҳисобланади. Аммо ҳозирда юқори технологиялар ва хизмат кўрсатувчи фирмалар қийматининг номоддий компоненти унинг жисмоний активлари, масалан, бинолар ёки асбоб-ускуналар каби моддий қийматларидан анча устун эканлиги ҳақида жиддий далиллар мавжуд. Масалан, Мисрософт каби фирманинг жисмоний активлари унинг бозор капиталлашувининг кичик бир қисмини ташкил қиласди. Фарқи унинг интеллектуал капиталида.

Интеллектуал капиталининг можиятини очиб беришнинг услугий ёндашувларини умумлаштириш репродуктив ёндашувдан фойдаланишини асослаш имконини берди.

Инсон капитали иқтисодий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Ушбу тизимда учта асосий элемент мавжуд бўлиб, улар субъектлар, обьектлар ва у ёки бу обьектга нисбатан субъектлар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир.

Ушбу иқтисодий тоифанинг обьекти - инсон капиталининг ўзи, унинг моддий мазмуни, шу жумладан инсоннинг касби, малакаси, кучи, маънавий кучлари ва бошқаларни тавсифловчи билим, кўникма, тажриба ва бошқа қобилиятлар ийфиндиси.

Инсон капиталининг иқтисодий тоифаси субъектлари, энг аввало, ушбу капиталнинг эгалари - тадбиркорлар, ходимлар, шунингдек, инсон капиталини тақорор ишлаб чиқаришни таъминловчи хўжалик юритувчи субъектлар (уй хўжаликлари, фирмалар, давлат) ҳисобланади. Субъектлар субъектларни вужудга келтирадиган ва уларсиз мавжуд бўлмаган иқтисодий муносабатларга киради. Бу муносабатлар ижтимоий-иқтисодий тизим элементларининг ўзаро боғлиқлигини, унинг бирлиги ва яхлитлигини таъминлайди.

Инсон капиталини тақорор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий муносабатлар тизимининг тузилиши, уларнинг намоён бўлиш шакллари аниқланади ва тавсифланади. Ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-меҳнат, ташкилий-иқтисодий ва бозор муносабатлари, шунингдек, бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ бўлган, бир-бирини ўзаро боғлайдиган, тизимли бирликни шакллантирадиган шаклланиш, тақсимлаш, алмаштириш ва фойдаланиш муносабатлари инсон капиталини тақорор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий муносабатларининг таркибий қуий тизимлари вазифасини бажаради.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириши стратегиясини тасдиқлаш түғрисида"ги ПФ-5544-сон Фармони.  
<https://lex.uz/ru/docs/3913188>
2. Glenn-Marie Lange, Quentin Wodon and Kevin Carey. *The changing wealth of nations 2018: building a sustainable future.* Washington, D.C.: World Bank. <http://documents.worldbank.org/curated/en/727941517825869310/The-changing-wealth-of-nations-2018-building-a-sustainable-future>
- 3..E.Woods, C.Metzer.-New York: [F.S.Crofts@Co.](mailto:F.S.Crofts@Co.), 1927.; Boag H. *Human Capital and the Cost of War*//Royal Statis.Soc.-1916.-P.10-15.
4. Becker G. *Human capital*. - New York: Columbia University Press, 1964.
- 5.Критский М.М. Человеческий капитал в информационной рыночной экономике / М.М.Критский // Человеческий капитал в условиях современной трансформации экономики: сборник научных трудов-СПб.: СПбГИЭУ, 2000.-С.36-46.
6. "Интеллектуальный капитал - новый источник богатства организаций" (Stewart T.A. *Intellectual Capital. The New Wealth of Organizations*. N.Y.-L., Doubleday / Currency, 1997. Copyright - T.A.Stewart 1997).
7. Эдвинсон Л. *Корпоративная долгота. Навигация в экономике, основанной на знаниях*. М.: ИНФРА, 2005.
- 2.
- 8.Принципы и подходы к оценке интеллектуальной собственности и нематериальных активов : Учеб. пособие для студентов и слушателей, обучающихся по экон., упр. и оценоч. спец. / Б.Б. Леонтьев, Х.А. Мамаджанов; Торг.-пром. палата Рос. Федерации и др. - М. : РИНФО, 2003. - 269,[1] с.
9. Посталюк М.П , Салихов Б.В., Интеллектуальный капитал в экономической деятельности хозяйствующих субъектов, "Вестник экономики, права и социологии", № 3, 2008 г
10. Ермоленко В.В , Попова Е.Д Интеллектуальный капитал корпорации: сущность, структура, стратегии развития и модель управления. Человек. Сообщество. Управление • 2012 • №2